

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

АХБОРОТ ХАТИ

Хурматли ҳамкасблар!

Сизларни жорий йилнинг 14-15 май кунлари Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида ўтказиладиган

“ЎЗБЕКИСТОНДА ШАХАРСОЗЛИК, ЛАНДШАФТ АРХИТЕКТУРАСИ ВА ДИЗАЙНИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ”

мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияда иштирок этишга таклиф этамиз.
(Ўзбекистон, Самарқанд шаҳри, СамДАҚИ)

Конференцияни ўтказишда республикадаги мавжуд олий ўқув юртли олимлари, Ўзбекистон Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси мутахассислари, вилоятлар ва шаҳарлар архитектура бошқармалари мутахассислари, нодавлат ташкилотлар ходимлари, докторантлар ва мустақил изланувчилар ҳамда бакалавр ва магистрларнинг иштирок этиши кутилмоқда.

Илмий-амалий конференция қўйидаги муаммолар ва шўбаларда иш олиб боради:

- 1-шўба:** Ўзбекистонда ривожланаётган шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси амалиёти илмининг долзарб муаммолари;
- 2-шўба:** Шаҳарсозлик экологияси муаммолари ва уларнинг замонавий ечимлари;
- 3-шўба:** Тарихий шаҳарлар маркази ва худудини қайта тиклаш ва қуришда ландшафт дизайни муаммолари;
- 4-шўба:** Ландшафт архитектураси амалиётида янги ғоя ва шакллар, инновацион технологияларни қўллаш;
- 5-шўба:** Флористика ва фитодизайн илми ва амалиётидаги инновациялар;
- 6-шўба:** Бог-парк қурилиши ва бог-паркларни модернизациялаш соҳасидаги инновацион ёндошувлар;
- 7-шўба:** Хорижий давлатлар ландшафт дизайни соҳасида эришилган илғор тажрибалар ва ютуқлар;
- 8-шўба:** Иқлими ва тупроқ шароити экстремал бўлган аҳоли пунктларида ландшафт архитектураси ва кўкаламзорлаштиришнинг замонавий усулларини яратиш муаммолари;
- 9-шўба:** Шаҳарсозлик, ландшафт архитектураси, ландшафт дизайни ва флористика фанларини ўқитиш муаммолари.

Мақола, тезис материаллари ўзбек, рус ва инглиз тилларида тақдим этилиши мумкин. Анжуман материаллари тўплам ҳолида чоп этилади. Анжуман ташкилий қўмитаси мақола, тезисларни саралашни ўз зиммасига олади.

Анжуман материалларини расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар:

Анжуман ишида иштирок этиш шартлари:

Анжуманда иштирок этиш учун шўба номи кўрсатилган ҳолда мақола, тезис матнини 1 – илова талабларига мувофиқ тайёрлаб, samgasi-ilmiy@mail.ru электрон манзилига 2018 йилнинг 30 апрелига қадар юборишингизни сўраймиз. Юборилган мақола, тезис файлини муаллифлар ўзларининг исми-шарифлари билан номлашлари лозим.

Мақолаларда келтирилган маълумотларнинг аниқлиги ва имло хатолари учун муаллифлар жавобгардирлар. Ташкилий қўмита томонидан қабул қилинган конференция материалларини 2018 йил 10 майдан кечиктирмасдан нашр этиш режалаштирилган.

Конференция материаллари тўпламига УДК индекси берилиши режалаштирилган. Берилган муддатдан кечиккан, шунингдек конференция йўналишлари ва расмийлаштириш талабларига мос келмаган материаллар нашр этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Конференцияни ўтказиш манзили: 130100. Самарқанд шаҳри, Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти, Лолазор кўчаси, 70. Тел.: (0366) 237-18-47, Факс: (0366) 237-26-30, (+99893) 355-19-31 Усмон Хушвақтович, (+99897) 393-48-11 Ахтам Синдарович, (+99893) 352-98-70 Шахло Толибовна, (+99891) 551-92-02 Нажиб Ҳасанович.

Мақола ва тезисларни расмийлаштириш талаблари:

1. Мақола бошида саҳифанинг юқориги чап томонидан УДК қўйилади.
2. Икки интервал қолдирилиб мақола, тезиснинг номи бош ҳарфлар билан саҳифа ўртасига ёзилиши керак. Яна икки интервал қолдирилиб, навбатдаги қатордан муаллифнинг исми, фамилияси ва бир интервалдан кейин илмий даражаси, ташкилот номи кўрсатилади. Икки

интервал қолдирилиб муаллифнинг Е – mail ва телефони, бир интервал қолдирилиб навбатдаги қатордан курсив билан аннотация (3-5 сатр) ва калит сўзлар (3-6 та сўз), яна икки интервал қолдирилиб навбатдаги қатордан мақола, тезис матни ёзилади.

3. Конференциянинг иш тили – инглиз, рус, ўзбек.

4. Саҳифа ўлчами – А4, мўлжал – “книжная”

5. Саҳифа хошияси: юқоридан 2,5 см; пастандан 2,5 см; чапдан 2,5 см; ўнгдан 2,5 см;

6. Шрифт “Times New Roman”, ўлчам – 14.

7. Сатрлараро интервал – 1,5.

8. Мақола, тезис матни талабга мос ҳолда расмийлаштирилиши, 3-5 бет ҳажмида бўлишлиги керак.

9. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати мақолада алифбо тартибида номерланган ҳолда жойлаштирилган бўлиши керак.

10. Расм, жадвал ва графиклар бўлса, улар матн ичида берилади..

Иштирокчилар нашриёт ва босмаҳона харажатлари учун 40 000 (қирқ минг) сўм бадал пулини нақд, клик тўлови ёки қўйидаги ҳисоб рақамига пул кўчириш орқали амалга оширишлари мумкин. Муаллифлар сонидан қатъий назар ҳар бир чоп этилган материал учун бир дона тўплам тақдим этилади.

Ташкилий қўмита конференция мавзусига ва юқорида баён этилган талабларга мос келмаган материални қабул қилмаслик ҳуқуқига эга.

Самарқанд шаҳрига келиш ва кетиш, меҳмонхонада яшаш билан боғлиқ харажатлар иштирокчиларнинг ўз ҳисобларидан амалга оширилади. Иштирокчилар хоҳишига кўра меҳмонхонадан жой буюртма қилиниши мумкин. Жой буюртма қилиш зарур бўлганда олдиндан ташкилий қўмитани огоҳлантиришингизни сўраймиз.

ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ МАНЗИЛИ

ШХВ: 4001 1086 0184 0179 5010 0079 004 СТИРи: 201 213 353 ОКОНХ: 92110 МФО: 00014

Молия вазирлиги ғазначилиги Самарқанд вилояти бўйича ғазначилик бошқармаси

Ғазна Х/В: 23 402 000 300 100 001 010

Марказий банк ХККМ Тошкент шаҳар бошқармаси МФО: 00014 ОКОНХ: 97160

Ғазначилик бошқармаси СТИРи: 201 122 912

1 – илова. (Мақола, тезисни расмийлаштириш намунаси)

УДК - ...

ЛАНДШАФТ ДИЗАЙНИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛЛАРИ

Уралов А.С.

(Илмий даражаси) Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Муаллифнинг Е – mail ва телефон рақами (алоқа боғлаш учун ушбу маълумот тўпламда чоп этилмайди)

Аннотация: (3-5 сатр)

Калит сўзлар (3-6 та сўз)

МАТН.....
.....

Фойдаланилган адабиётлар

1.

2.

3.